




Кейинги йилларда маҳалла тизимини ислоҳ қилиш, жамиятдаги ўрни ва таъсирини янада юксалтиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Натижада маҳалла фақатгина анъанавий жамоатчилик институти эмас, балки аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишда муҳим таянч нуқтага айланди.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ўқиш учун QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ!

МАҲАЛЛА ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА ОБОДЛИГИНИНГ ТАМАЛ МАСКАНИДИР



Қобилжон ОЛТИЕВ,
Жиззах вилояти Фориш туманидаги “Ухум” МФЙ раиси

энг кичик, аммо энг муҳим бўғини. Инсон биринчи қадам қўядиган, тарбия оладиган, қувонч ва ташвишни қўшнилари билан

баҳам қўрадиган маскан. Маҳаллада тинчлик, тартиб ва ҳамжиҳатлик бўлса, бутун мамлакатда барқарорлик ва тараққиёт қарор топади. Агар маҳалламиз обод, ёшлари иш билан банд, кексалари эъзозда бўлса, бу, албатта, жамият тараққиётига хизмат қилади. Бежиз “Маҳалла обод бўлса, мамлакат обод бўлади”, дейилмайди.

Бутун маҳалладаги ҳар бир ислохот, ҳар бир ободончилик ишлари одамлар кайфиятига, ишонч ва келажакка ишончига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Маҳаллада ишсизлик қамайса, камбағаллик қисқарса, ёшлар ўз ўрнини топса, жиноятчилик ҳам ўз-ўзидан барҳам топади. Чунки аҳил ва фаровон маҳаллада салбий ҳолатларга ўрин қолмайди. Маҳалладаги бирор муаммо четда қолмаса, ҳар бир оила қўлаб-қувватланса, бу умумий тараққиётга олиб келади. Маҳалланинг кучи ҳам шунда — у аҳолига энг яқин тизим.

Ёш маҳалла раиси сифатида айтишни истардимки, янги йилнинг маҳалла билан боғлиқ номланиши бизга катта масъулият

ва янги вазифалар юклайди. Келгуси йилда маҳалламизда ижтимоий фаоллиқни ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ёшлар ва хотин-қизларни қўлаб-қувватлаш, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш ҳамда ободончилик ишларини янада кучайтириш учун бор куч ва имкониятимизни сафарбар этамиз.

Ухум — Фориш туманининг энг катта маҳаллаларидан бири. 4400 га яқин аҳоли яшайдиган маҳалламиздаги Ухум ва Арсаф қишлоқлари туризмга ихтисослашган. Ҳар йили минглаб хорижлик ва маҳаллий сайёҳ ташриф буюради. 2026 йилда Ухумга туризм қишлоғи мақоми берилиши кутуляпти. Бу қарор маҳалламизни янада обод, халқимиз турмушини фаровон қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Шу маънода, ҳар биримиз маҳалламиз равақни учун масъулмиз. Биргаллик билан сайёҳ-ҳаракатлар, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик маҳаллаларимизни янада обод қилади. Обод маҳалла эса юксалган жамият, барқарор мамлакат демакдир.

Муносабат

Олий Мажлисга ва кўп миллатли халқимизга Мурожаатномани Президентимизнинг халқ билан очик мулоқоти деб айтишга ҳақлимиз. Аввалги йиллардаги Мурожаатномаларнинг ҳам барчасини бевосита тинглаш бахтига муяссар бўлганман. Бу сафар давлатимиз раҳбари 9 йиллик ишларни таҳлил қилди. Амалга оширилган ислохотларга ортга қараб баҳо берди

РЕЖАДАГИ МАРРАЛАР ҚАМРОВИ КЕНГАЙМОҚДА БУ ФАРОВОНЛИК ДАРАЖАСИ ҲАМ ОШАДИ ДЕМАКДИР



Шўҳрат СИРОЖИДДИНОВ,
академик

Аввалги Мурожаатномаларда жуда кўп масалалар ўртага ташланар, камчиликлар кўрсатилар, уларни бартараф этиш талаблари қўйилар эди. Бугун эса мамлакатимиз етакчисининг ўша сайёҳ-ҳаракат ва эришилган натижалардан ички қониқиш билан гапиргани, натижаларини сарҳисоб қилганини сездим.

Шунингдек, Президентимиз ишлар шиддати ва суръати “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган аксарият режаларни удаллаш имконини бергани, энди марранни каттароқ олиб, янги дастур қилишимиз лозимлигини, унда иқтисодий тараққиёт, тикланиш, фаровонлик, камбағалликка қарши кураш, умуман, халқимиз кундалик ҳаётининг барча жабҳаларига тегишли барча дастурлар қамраб олинishi, такомиллаштирилишини таъкидлади. Бу, албатта, қониқиш ҳосиласидир.

“Эришилган улкан натижалар, янги устувор вазифалар “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини қайта қўриб чиқишни тақозо этмоқда. Юртимизнинг келгуси беш йиллик тараққиётига дахлдор бўлган ушбу ҳужжат кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиб, аҳолиимизнинг фикр-мулоҳазалари асосида такомиллаштирилади. Парламент вакилларини ҳам бу жараёнда ўз

таклифлари билан фаол иштирок этишга чақираман”, деди Президентимиз.

Маҳалла тизимида одамлар кутиб турган сув, электр, газ муаммолари, аҳоли даромади масалалари қайта қўриб чиқилади. Давлатимиз раҳбари барча муаммолар яқин беш йилликда қандай ечим топиши, уларни амалга ошириш механизмлари ҳақида гапирди, фикрларига асосли изохлар келтирди.

Бу билан Президентимиз ўша 2017 йилдан ҳар бир йўналишни чамалаб, режалаб келгани, шундай натижаларни кутганини исботлаб берди. Давлатимиз раҳбари турли йўналиш ва чиқишларида бежиз ҳар бир масала ва муаммога мурожаат қилишнинг вақти келади, ечилмаган муаммоларнинг ўзи қолмайди, деб таъкидлаб келмайдди. Ўзим иштирок этган қатор тадбирларда ҳам бирор масалани тилга олиб, “Мана, энди унинг ечимига киришиш вақти келди”, деб айтганига кўп гувоҳ бўлганман.

Бугунги Мурожаатномада билдирилган таклифлар, ташаббус ва режалар айнан ҳозирдан ижросига киришиш вақти келган муаммолардир. Улар келгуси беш йилда амалга оширилиши режалаштирилган масалалардан иборат. Демак, 2030 йилгача янада катта марраларни олашимиз ва давлатимиз раҳбари бошчилигида халқимиз билан ҳамжиҳатликда қўйилган натижаларга эришамиз.

Президентимиз таъбири айтганда, бугун биз ўртача даромади юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олишга ҳаракат қилияпти. Галдаги вазифа эса ривожланган мамлакатлар даражасига етишдан иборат. Шу маънода, Мурожаатнома мазмун-моҳияти тарихийлик касб этади.

КЕЛАЖАККА ҚАРАТИЛГАН ИШОНЧЛИ “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

Жорий йилги Мурожаатнома мазмун-моҳияти, қамров доираси ва стратегик аҳамияти билан ҳар қачонгидан ҳам залворли бўлди. Унда Президентимиз сўнги тўққиз йил давомида амалга оширилган ислохотларни изчил таҳлил қилиб, мамлакат тараққиётида эришилган ютуқларни аниқ рақам ва далиллар асосида кўрсатиб берди. Бу эса янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ислохотлар изчил, пухта ва узоқни кўзлаган ҳолда кечаётганини яққол намойён этди.

Мурожаатномада маҳалла инфратузилмасини ривожлантиришдан тортиб, илмий-техника ва инновация соҳаларида янги босқичга чиқишгача бўлган масалалар бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда ёритилди. Биринчи ўзбек космонавтини фазога учуриш ташаббуси эса ёшлар учун фақат илмий ютуқ эмас, балки чексиз имкониятлар рамизи бўлади. Бу ғоя ёш авлоднинг орзу ва мақсадларини кенгайтириб, уларни катта марралар сари илҳомлантиради.

Айниқса, ёшларга оид масалалар Мурожаатноманинг марказий йўналиши сифатида белгиланди. Таълимга киритиладиган инвестицияни кўпайтириш, замонавий мактаблар, касб шаҳарчалари ва техника мактабларини барпо этиш орқали ҳар йили юз минглаб ёшларни замон талаб қилаётган касбларга ўқитиш ёшлар келажакига қаратилган ишончли “Йўл харитаси”нинг амалий ифодасидир. Касбий таълимни



Дилнозахон КАТГАХОНОВА,
Ёшлар ишлари агентлиги директорининг биринчи ўринбосари

рағбатлантириш мақсадида стипендиялар жорий этилиши ёшларнинг ўз устида ишлаши ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашига йўл очади.

Шу билан бирга, АТ соҳада ёшлар ташаббусини қўлаб-қувватлаш, “Рақамли стартаплар” дастурини кенгайтириш, хусусий стартап марказларини ривожлантириш учун фойсиз ссудалар ажратилиши ёшларни қўшимча қиймат яратишга, янги иш ўринлари очишга ва глобал бозорга чиқишга ундайди. Бу, ўз навбатида, уларни фаол ижтимоий куч сифатида шакллантиришга хизмат қилади.

Ушбу Мурожаатнома ёшлар сиёсати ва маҳалла тизими фаолиятида янги сифат босқичини бошлаб берувчи муҳим дастурий ҳужжатдир. У 10 мингга яқин маҳаллада фаолият юритаётган ёшлар етакчилари учун катта масъулият билан бирга улкан руҳий куч ва ишонч манбаи бўлади.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ВАКОЛАТЛАРИ ВА МАСЪУЛИЯТИ ЯНАДА ОШИРИЛАДИ



Ғофир АЛИЕВ,
Халқ депутатлари Навоий вилояти кенгаши раиси

2025 йил янги Ўзбекистонни барпо этиш, иқтисодий барқарорлик, аҳоли фаровонлигини юксалтириш нуқтаи назаридан алоҳида аҳамиятга эга давр бўлди деб бемалол айтиш мумкин. Зеро, Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўлаган Мурожаатномасида қайд этилган ҳар бир рақам, эришилган тарихий натижаларни бундан бор-йўғи 7-8 йил олдин тасаввур қилиш ҳам мушкул эди.

Ҳа, ортда қолаётган йилда амалга оширилган катта ислохотлар ён-атрофимиздаги ўзгаришлар, халқимиз ҳаётидаги фаровонликка акс этатики, бу барчамизга қувонч, гурур ва куч бағишлайди. Айниқса, маҳалла тизими ислохотларнинг бош бўғинига айлангани жойлардаги муаммолар ҳал этилиши билан бирга мавжуд салоҳиятини рўёбга чиқаришга замин яратмоқда.

Президентимиз маҳаллалардаги ислохотларга тўхталар экан, бу борадаги ишларни янада яхшилаш мақсадида кириб келаётган 2026 йилни “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиш таклифини билдиргани барчамизни хурсанд қилди.

Давлатимиз раҳбари Навоийга ташрифи чоғида вилоятни камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш топширигини берган эди. Ўтган даврда вилоятдаги 310 та маҳаллада камбағал оилалар рўйхати беш босқичда шакллантирилиб, уларнинг бандлигини таъминлаш, фарзандлари таълим олиши учун қулай шароит яратиш, янаша шароитини яхшилаш бўйича манзилли ишлар қилинди. Бунинг учун вилоятдаги 550 раҳбар-ҳодим ушбу хонадонларга бириктирилди ва улар томонидан мазкур оилаларнинг 56 мингдан ортиқ муаммоси ҳал этилди.

Жорий йил бошида вилоятда камбағаллик даражаси 5,7 фоизни ташкил этган бўлса, 9,5 минг оила камбағалликдан чиқарилиши ҳисобига ушбу кўрсаткич 2 фоизга туширилди. Камбағаллик ва ишсизлик даражаси юқори бўлган, оғир тоифадаги 25 та маҳаллага вилоят даражасидаги иқтисодий комплекс раҳбарлари бириктирилди ва шу орқали ишсиз фуқароларнинг бандлиги таъминланди. 81 та маҳалла паст ихтисослашувдан чуқур ихтисослашувга ўтказилди. Келгуси йилда ҳам “маҳалла еттилиги” томонидан бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади.

Президентимиз Мурожаатномада яна бир муҳим масалага алоҳида эътибор қаратди. Конституциявий ислохотлар доирасида вилоят ҳокимлари ва маҳаллий кенгашлар раислари лавозимлари бир-биридан ажратилган эди. Яъни Халқ депутатлари вилоят кенгашларига ҳокимларнинг раислик қилиш амалиёти тўхтатилиб, депутатлар орасидан сайланган номзод кенгашга раислик қила бошлаганди. Бу тажриба яхши самара берди, ҳокимларнинг кенгаш олдидаги ҳисобдорлиги оширилди. Натижада кенгашнинг сайловчилар манфаатларини қўлаб қабул қиладиган қарорлари сифат жиҳатидан яхшиланди. Ижро ҳокимияти органларининг депутатлар ва кенгаш олдидаги масъулияти ошди.

Энди бу тизим 2026 йилдан 208 та туман ва шаҳарда ҳам йўлга қўйилади. Айни пайтда ушбу сиёсий ислохот ҳокимлар ва ижро ҳокимияти идораларидан кенгашларга муносабатни мутлақо ўзгартаришни талаб этади. Бундан буён депутат сўровлари ижроси ҳар чоракда таҳлил қилиниб, сусткашликка йўл қўйилган ҳолатлар бўйича прокуратурага тақдимнома киритилади. Натижада “Кучли кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким” тамойили рўёбга чиқади.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва халқимизга жамият ҳаётининг ҳар бир жабҳасини янада ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини таъминлашга доир муҳим вазифалар, аниқ режаларни тақдим этадиган Мурожаатномаси йил давомида дастурамал бўлиши билан қимматли. Мурожаатномада қайд этилган узоқ муддатли ташаббусларни амалга оширишда замонавий билимга эга, янги маълумотларни бевосита англаб тушуна оладиган, хорижий тилларни мукаммал ўзлаштирган ёшларнинг ўрни бекиёс.



Санжар ОБИДОВ,
Мактабгача ва мактаб таълими вазирининг маслаҳатчиси

ХОРИЖИЙ ТИЛНИ МУКАММАЛ ЎЗЛАШТИРГАН ЁШЛАР МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШ ЕТУК КАДРЛАРИ БЎЛИБ ЕТИШАДИ

Зеро, бутун тил билган, келажак касбларини эгаллаган йигит-қизларгина жамиятга фаол аралашиб, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги воқеликларни тўғри таъкин қилади ва бу жараёнда фаол қатнашади.

Бугунги кунда таълим соҳасида катта ислохотлар кечмоқда. Хусусан, таълим-тарбия жараёни, дарслик, методика ҳамда моддий-техник база бўйича ёндашув тубдан ўзгарди. Сўнги йилларда чет тилларни ўрганиш соҳасида сезиларли ишлар қилинди. Жумладан, 420 та мактабда иккита хорижий тилга ўқитиш амалиёти жорий этилди. “Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб” Президент танлови жорий этилиб, 280 ўқувчи ва 56 ўқитувчи Британия, Германия ва Францияга таълим саёҳатига юборилди. Танлов ғолибларига 225 миллион сўм мукофот пуллари ҳам берилди.

Сертификатга эга ўқитувчиларга устама бериш тизими жорий қилиниши ортидан қўлаб ўқитувчиларнинг ойлиги 10 миллион сўмдан ошди.

Сертификатга эга ўқувчилар сони сўнгги тўрт йилда 5 баробар қўпайиб, 11 мингдан 53 минг 204 нафарга етди. Бу ёшлар орасида хорижий тилларни ўрганишга қизиқиш жадал суръатда ошаётганидан далолат. Охириги 2 йилда мактабларга 1 500 дан ортиқ хорижий мутахассис жалб этилгани ҳам бу борада муҳим омил бўляпти.

Хусусан, Тошкент шаҳридаги ҳар бир мактабда камида 1 нафардан хорижий ўқитувчи фаолият юритмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу кўрсаткич келгусида 2 баробар оширилиши режалаштирилган.

Пойтахтимизда пилот тарзида бошланган “Келажак учун хорижий тил”, яъни “English for the future” лойиҳаси эса бевосита хориж-

лик мутахассислар томонидан мактаб ўқувчилари учун бепул тил ўрганиш курсларини ташкил этишга қаратилган.

Лойиҳа доирасида илк бор Тошкент шаҳрида жойлашган 326 та мактабнинг 40 мингдан зиёд 11-синф ўқувчисининг хорижий тилини ўзлаштириш даражаси, жумладан, гапириш, эшитиб тушуниш, ёзиш ва ўқиб кўникмалари халқаро стандартлар асосидаги тестлар орқали баҳоланди.

Баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб, юқори синф ўқувчилари хорижий экспертлар томонидан ишлаб чиқилган мутлақо янги методикалар асосида тил билиш кўникмалари бўйича гуруҳларга бўлиниб, хорижий мутахассислар, тил эгалари томонидан ўқитилади.

Бундан ташқари, ўқувчиларимизга янги методикаларга мос келадиган замонавий адабиётлар ва ўқув дастурлари ҳам тақдим этилади. Синф хоналари керакли аудио ва видеоматериаллардан фойдаланиш учун мослаштирилади.

Шунингдек, хорижлик тил эгалари ўқитишнинг янгича усулларидан фойдаланган ҳолда таълим сифатини оширади.

Хорижлик мутахассислар томонидан ҳафтада 2 соат маҳаллий ўқитувчилар учун ҳам маҳорат дarsi ва малака ошириш курслари ташкил этилаётгани мақсадга мувофиқ. Бу, ўз навбатида, маҳаллий ўқитувчиларимизнинг илмий ривожланишига хизмат қилапти. Аниқ айта оламизки, ҳозир инсон капитали учун сарфланаётган ҳар бир сўм келажакда 100 баробар бўлиб қайтиб, ватанимиз равақи учун йўналтирилади. Бир сўз билан айтганда, хорижий тили мукаммал ўзлаштирган ёшлар шиддат билан ўзгараётган меҳнат бозорининг рақобатбардош етуқ кадрлари бўлиб етишади.



2025 йил 27 декабрь, 271-сон

6



www.yuz.uz



yuz.uz



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

Ўнжа меҳнатнинг

ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро мукофот соvrиндорлари муносиб тақдирланди

Адабиёт яшаса — миллат яшайди

Маърифатпарвар бобомиз Чўлпоннинг “Адабиёт яшаса, миллат яшайди”, деган пурмавно ўғитлари бугунги Ўзбекистон шароитида теран ифодасини топмоқда. Зеро, ҳар қандай халқнинг ўзлиги, тарихий илдизлари ва порлоқ келажакка интилишлари, аввало, унинг бебаҳо бадиий меросида намоён бўлади. Инсоният тамаддуни тарихида ҳеч қайси адабиёт ўз қобиғида якка ҳолда ривожланмаган, аксинча, жаҳон сўз санъати дурдоналари билан уйғунлашиб, умуминсоний қадриятлари юксалтиришга хизмат қилган. Шу маънода, мамлакатимизда адабиётга, хусусан, бадиий таржима санъатига қаратилаётган юксак эътибор маънавий ҳаётимизда янги саҳифа очди десак айни ҳақиқатдир.

“Адабий дўстлик — абадий дўстлик” тамойилига асосланган кенг кўламли ҳаракатлар халқимизни жаҳон маданиятидан баҳраманд этиш ҳамда миллий адабиётимизни дунёга танитишда муҳим омил саналди. Сўнгги йилларда “Туркий адабиёт дурдоналари”, “Жаҳон болалар адабиёти дурдоналари” каби 100 жилдли муҳташам лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши фикримизнинг ёрқин далили бўлади. Айниқса, беш қитъа ижодкорлари меросини қамраб олувчи таржима асарлар ёш авлод қалбига эзгулик, инсонпарварлик ва юксак қадриятларни камол топтиришда беқисс аҳамият касб этади.

Мазкур жараёнда Президентимизнинг тегишли қарори асосида бадиий таржима соҳасида Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро мукофот таъсис этилиши тарихий воқеа сифатида эътироф этилмоқда. Ушбу нуфузли мукофот нафақат заҳматқаш таржимонлар меҳнатини муносиб қадрлаш, балки ўзбек тили ва адабиётининг халқаро майдондаги нуфузини янада оширишга хизмат қилувчи муҳим восита вазифасини ўтайди.

Пойтахтимиздаги “Ренессанс” кино уйида мазкур мукофот соvrиндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали тадбир ўтказилди.

Мукофот танловига жами 60 таржимондан ижодий ишлар қабул қилинди. Бу танлов номинациясининг ҳар бирига ўрта ҳисобда 10 нафардан номзод тўри келди деганидир. Президентимизнинг тегишли қарорида белгиланган 6 та асосий номинациядан ташқари қўшимча 3 та рағбатлантирувчи мукофот ажратилди. Булар — “Бадиий таржима ривожига қўшган ҳиссаси учун” (Ўзбекистон фуқароларига), “Ўзбек адабиётини хорижда фаол тарғиб қилганлиги учун” (хорижлик таржимонга), “Ўмидли таржимон” (ёш таржимонларга).

Адабиёт ва дўстлик байрами сифатида ташкил этилган тақдирлаш маросимида халқаро мукофот ғолибларининг ҳар бири махсус диплом, кўкрак нишони ва базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 баравари, рағбатлантирувчи мукофот эгалари эса фахрий ёрлик ва базавий ҳисоблаш миқдорининг 55 баравари миқдоридан бир марталик пул мукофоти билан тақдирланди.



Саид Махмуд Саид МУБАШИР (Саудия Арабистони), таржимон, ўзбек адабиётининг насрий асарларидан хорижий тилларга таржима йўналиши ғолиби:

— Ҳозирги ҳаяжонимни сўз билан таърифлаш жуда қийин. Бу гоёт ҳаяжонли ва қувонарли жараёндир. Бонси, мен биринчи мартаба халқаро мукофот соvrиндори бўлмоқдаман. Ўйлайманки, Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” асари араб мамлакатларида Ўзбекистоннинг бой тарихи ва маданиятини чуқур кўрсатиб беради. Ушбу асарни таржима қилишимга, биринчи навбатда, араб дунёсида ўзбек адабиёти тўғрисида маълумотлар жуда камлиги, йўқ десак ҳам бўлиши сабаб бўлди. Уларда асосан, тарих ҳақида маълумотлар бор, лекин эскирган. Яъни XIX-XX асрларда Ўзбекистонда ёки Марказий Осиёда бўлган тарихий воқеалар ҳақида маълумотлар мавжуд эмас. Шунинг учун араб мамлакатларини ўзбек адабиёти билан таништириш мен учун бир вазифага айланди. Бу мукофот бизни келажакда янада катта таржималарга ундайди ва куч бағишлайди. Айни кунларда Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асари таржимасининг охириги босқичига етиб келдим. Шу билан бирга, Абдурауф Фиратнинг “Ҳинд сайёҳининг баёноти”ни ҳам таржима қилиб бўлдим. Ўйлайманки, 2026 йилда бутун араб дунёси ушбу асарларни мутлоа қилиш имконига эга бўлади.

Михаил СИНЕЛЬНИКОВ (Россия), таржимон, ўзбек шеърӣ асарларидан хорижий тилларга таржима йўналиши ғолиби:

— Болалик йилларим Қирғизистонда ўтган. Ўш давлат педагогика институти тарих факультетини тамомлаганман. Мени Ўзбекистон билан ёруғ туйғулар ва ўзбек мумтоз шеърятидан ҳайратланиш хислари боғлаб туради. Ўш, Жалолобод, Андижон шаҳарлари мен учун қадрдон. Мен дунёнинг кўп шаҳарларини кўрганман, узоқ йиллардан бери Москвада яшайман, лекин хаёлан ҳамisha қадрдон маконларимни кўриб тураман.

Болалигимда турли миллат вакиллари бўлган тенгдошларим билан ўйнаганман, ўзбек ва қирғиз хонадонларида меҳмон бўлганман, шу тилларда қўшиқлар тинглаганман ва шеърлар ёдлаганман. Ёшим улғайгач, турли тарихий даврларда яшаб ижод қилган ўзбек шоирларининг шеърларини таржима қила бошладим, турли тўпламлар тайёрладим. Яқин уч йил ичида 2 жилдли “Ўзбек шеърятини антологияси” ва алоҳида “Замонавий ўзбек шеърятини антологияси”ни тўздим.

Мен Алишер Навоий ижодидаан ҳамisha ҳайратдаман. Огаҳий шеърятини билан танишганимда эса 13 ёшда эдим. Унинг газалларидан ҳайратга тушганим ҳамон эсимда. Кейинроқ Огаҳий серқирра ва улуг ижодкор эканига амин бўлдим. У мироб, тарихчи, давлат арбоби, шоир ва таржимон сифатида фаолият кўрсатган. Мана, бутун Огаҳий номидаги халқаро мукофотга сазовор бўлиб турибман. Ҳозир



бир гуруҳ мутахассислар биргаликда гоёт ҳаяжонли иш билан машғулмиз — Алишер Навоий шеърятини таржимаси билан бандимиз. Келгуси йилнинг ёзида Навоий газалларидан иборат катта девонни нашр қиламиз. Унга кирган шеърларнинг аксарияти ҳали рус тилига таржима қилинмаган.

Шаменаз БАНО (Ҳиндистон), таржимон, ўзбек болалар адабиёти намуналаридан хорижий тилларга таржима йўналиши ғолиби:

— Бу мукофотни олганимдан жудаям хурсандман. Таржимон сифатида биринчи марта тақдирланишим. Олдин ўқитувчи сифатида, шоир сифатида тақдирланганман. Ўзбек адабиётини ўқувчи сифатида жуда ҳам севиб ўқийман. Масалан, Алишер Навоий ва Анвар Обиджон асарларини таржима қилдим. Энди 2026 йилнинг июнь ойигача қатор ўзбек адиблари асарларини таржима қилиш ҳаракатидаман. Айниқса, Анвар Обиджоннинг “Мешповон” асарини таржима қилиш менга жудаям ёқди. Асарнинг болалар тилида ёзилгани менда катта таассурот қолдирди.

Абдулла ШЕР, Ўзбекистон халқ шоири, хорижий тилларда яратилган шеърӣ асарлардан ўзбек тилига таржима йўналиши ғолиби:

— Инсон ҳар бир нарсани — қамчинни ҳам, силашни ҳам ўш танасида, руҳан ҳис қилади. Мана шу фарқ ижобий бир ҳодисаки, руҳиятни кўтариш яна янгидан янги таржималарга йўл очади, бу — биринчидан. Иккинчидан, Ўзбекистоннинг жаҳонга чиқиши ва айни пайтда жаҳоннинг Ўзбекистонга кириб келишидир. Мана шу иккита ҳодиса ушбу тадбирда бир-бири билан уйғунлашиб кетган. Бу Ўзбекистоннинг янада юксалиш йўлида давом этган ўзига хос янги босқичдир.

Айни тадбир, назаримда, таржимонлар ижодида катта из қолдиради. Мен ҳам буни кўп йиллик меҳнатимнинг ўзига хос қадрланиши деб биламан. Президентимизга мазкур қарорни қабул қилгани учун ташаккур билдираман. Шунингдек, айни асарларни таржима қилишга ундаган устозларга, ҳамкасбларга ҳам раҳмат айтмоқчиман.

Тоҳир ҚАҲҲОР (Ўзбекистон), таржимон, хорижий тилларда яратилган шеърӣ асарлардан ўзбек тилига таржима йўналиши ғолиби:

— Таржимонлар узоқ йиллар эринмай меҳнат қилиб турса, ҳақиқий маънода шоир-таржимон, ёзувчи-таржимон бўлса ҳамда адабиётимизга янги руҳ олиб кирадиган асарларни таржима қилса, бундай меҳнат, албатта, эъзоз топишини мазкур тадбирда кўриб, гувоҳи бўлдим.

Мана, биргина мисол, Абдулла Шер бир умр рус, инглиз ва немис тилларидан моҳирона таржима қилган. Шунинг учун ҳам унинг ижоди эъзоз топиб келмоқда. Бу мукофот таржимонларга катта руҳ беради, қаламни чархлашга йўл кўрсатади.

Ноҳирабегим ИБРОҲИМОВА (Ўзбекистон), таржимон, хорижий тилларда яратилган болалар адабиёти намуналаридан ўзбек тилига таржима йўналиши ғолиби:

— Ҳозир жудаям ҳаяжондаман. Таржимага 15 ёшимдан киришганман. Сарҳисоб қилсам, 20 йилдан ошибди. Лекин ўзимни ҳали ҳам ёш таржимондай, ўрганувчидай ҳис қиламан. Чунки устозларимиз Иброҳим Гафуров, Вафо Файзуллох, Олим Отахонга издош, муносиб бўлишга ҳаракат қилганмиз. Бугун арзимас меҳнатимизни Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро мукофотга лойиқ кўришганидан беҳад хурсандман.

Таржимани халқлар ўртасидаги олтин кўприк дейиш мумкин. Мана шу кўприкнинг мустақкам бўлишига озгина бўлса ҳам ҳисса қўшаётганимиздан ўзимда фахр ҳиссини туйдим. Бу мен учун бошланидир. Чунки ҳали олдинда жаҳон адабиётининг сара намуналарини таржима қилишни режалаштириб қўйганман. Токи кучим, қалбимда таржимага меҳрим бор экан, бу машъала ҳеч қачон сўнмайди деб ният қиламан.

Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ (Ўзбекистон), таржимон, рағбатлантирувчи мукофот соҳиби:

— Мазкур мукофотни мен учун фақат шахсий ютуқ эмас, балки таржимонлик қадрланётгани, бадиий таржиманинг жамият маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутатгани эътирофи деб биламан. Муҳаммад Ризо Огаҳий номини олган мукофот масъулиятини ҳам оширади, чунки у зот миллий маданиятимиз ва маърифатимиз тарихида алоҳида ўринга эга.

Бадиий таржимага қизиқишим китоб мутлааси орқали пайдо бўлган. Турли халқлар адабиётини ўқир эканман, асарларни она тилимизда ҳам шундай таъсирчан ва раван ўқиш мумкин бўлса керак деган фикр тинчлик бермас эди. Шу эҳтиёж мени таржимонлик йўлига бошлади. Пушкиннинг “Бокчасарой фонтани” достонини Усмон Носир таржимасида, Сергей Есениннинг “Форс тароналари”ни Эркин Воҳидов таржимасида ўқиганман, шоир ва таржимон сифатида Миртемир, Абдулла Орипов ижодий меросини ўрганганман. Жаҳон адабиёти намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш устида ишладим. Франц Кафканинг икки йирик асари — “Жараён” ва “Қалъа”



романларини, Морис Метерлинка (Бельгия), Рюноске Акутагава (Япония), Кнут Ҳамсун (Норвегия), Хорхе Луис Борхес (Аргентина), Чингиз Айтматов (Қирғизистон) ҳикояларини, Ўлжас Сулаймонов (Қозғистон), Шарль Бодлер, Пол Верлен ва Артур Рембо (Франция), Иван Бунин, Николай Гумилёв, Сергей Есенин, Марина Цветаева ва Иосиф Бродский (Россия) шеърларини ўзбек тилига ўғирдим.

Вали Саваш ЕЛОК (Туркия), таржимон, рағбатлантирувчи мукофот соҳиби:

— Ушбу мукофотга сазовор бўлганимдан жуда хурсандман. Шунинг учун Ўзбекистон Президентига таржимонларини қўлаб-қувватлагани, таржима ишларига хусусиятларни, ўзбек адабиётидан асарларни таржима қилиш билан шугуллангани. Докторлик диссертациямда ҳам Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов шеърларини турк тилига таржима қилиб, унинг услублари, хусусиятлари бўйича ишладим. Ундан кейин ёзувчи Хайриддин Султоннинг ҳикояларини турк тилига таржима қилиб, Туркияда чоп эттирдим. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Исажон Султоннинг “Алишер Навоий” романини турк тилига таржима қилдим. У яқинда китоб ҳолида сотувга чиқиш арафасида. Ҳозир Назар Эшонкул ҳикоялари таржимаси устида ишлаяпман.

Саиджалол САИДМУРОДОВ (Ўзбекистон), таржимон, рағбатлантирувчи мукофот соҳиби:

— Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро мукофот кенг китобхонлар аудиториясида жаҳон адабиётининг инсонпарварлик туйғуларини юксалтиришга хизмат қилувчи энг сара намуналарини миллий адабиётимизга олиб кираётган, қолаверса, адабиётимизнинг сара асарларини чет элларда фаол тарғиб қилаётган фидойи таржимонлар меҳнатига олий эътироф бўлди, десак адашмаймиз.

Ўзбек тилига таржима бўлаётган бугунги асарлар орасида ўқтин-ўқтин гализ ва тушунарсиз жумлалар учраб қолади. Шундай ҳолларда матн ўзбек тилига мосланмаса, китобхонни “майиб” қилиши турган гап. Аммо дунё адабиётининг Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги мукофот соvrиндорлари — устоз таржимонлар ўзбекчалаштирган асарлари аллақачон адабиётимизда туп қўйиб, палак отган, китобхонларнинг кўнглию жавонидан мустақкам ўрин эгаллаган. Зотан, улар ўғирган таржима асарлар халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онг-тафаккури, дунёқарашини янги босқичга олиб чиқиш, ватанга, элга муҳаббат, садоқат туйғусини шакллантиришда айрича аҳамият касб этади.

Мен устоз таржимонларимиз қаторида турганим, уларга издош сифатида Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро танловнинг рағбатлантирувчи мукофотида сазовор бўлганимдан хурсандман.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Жонибек АЛИЖОНОВ тайёрлади.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.